

ВАТАНИМИЗНИНГ ШОҲПАРВОЗИ

* ФАЗОДА ВАЛЕНТИНА ТЕРЕШКОВА
ПЛЕНУМГА УМУМХАЛҚ ТУҲФАСИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ БИРЛАШИНГИЗИ

БУГУН МОСКВАДА

КПСС МАРКАЗИЙ

КОМИТЕТИНИНГ

ПЛЕНУМИ ОЧИЛАДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 119 (2410).

18 июнь, сешанба, 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТАСС
АХБОРОТИ

КОСМОСДА „ВОСТОК-6“

1963 йил 16 июнь Москва вақти билан соат 12 дан 30 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Восток-6» космик кемаси Ер сунъий йўлдошининг орбитасига чиқарилди. «Восток-6» кемасини Совет Иттифоқи граждани — жаҳонда биринчи космонавт қиз Ўртоқ Валентина Владимировна Терешкова бошқармоқда.

Бу гапни парвозда ҳам космик учиндаги ҳар хил факторларнинг инсон организмига таъсирини ўрганиш давом эттирилади, шу жумладан ана шу факторларнинг эркак ва аёл организмига кўрсатадиган таъсири таққослаб, анализ қилинади, янги ҳажмда медицина-биология тадқиқотлари амалга оширилади ҳамда биргаликда парвоз қилиш шароитида бошқариладиган космик кемаларнинг системалари янада яхшиланади ва такомиллаштирилади.

Қўйилган назарларга мувофиқ, «Восток-6» космик кемаси 1963 йил 14 июнда Совет Иттифоқида учирилган «Восток-5» космик кемаси орбитада бўлган вақтда парвоз қилдирилди.

Ҳозирги вақтда иккита совет космик кемаси — «Восток-5» ва «Восток-6» космик фазода айни бир маҳаланинг ўзида парвоз қилмоқда, бу кемаларни Совет Иттифоқи граждани Валерий Федорович Биковский ва Валентина Владимировна Терешкова ўртоқлар бошқармоқдалар.

«Восток-6» йўлдош кема орбитасининг параметрлари мўлжалланганига яқин бўлди. Дастлабки математик ҳисобларга кўра, «Восток-6» йўлдош кемасининг Ер атрофида айланиш даври 88,3 минут бўлиб, Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейи) 183 километрга ва максимал узоқлашуви (апогейи) 233 километрга тенг, орбита текислигининг экватор текислигига нисбатан оғиш бурчаги 65 градусга яқиндир. «Восток-6» космик кемаси билан узлуксиз равишда икки томонлама радио алоқаси боғлаб турилибди.

Космонавт ўртоқ Валентина Владимировна Терешкова кемани орбитага чиқариш ва вазиятнинг ҳолатига ўтишни қонирди кечирди. Ўртоқ Терешкова ўзини яхши ҳис қилмоқда.

Космонавт ўртоқ Терешкова ўз эшиттиришларини 20.006 ва 143.625 мегагерц частоталарда олиб бормоқда.

Кемада 19.995 мегагерц частотада ишлайдиган «Сигнал» перадачиги ҳам бор.

«Восток-5» ва «Восток-6» космик кемалари ўртасида икки томонлама алоқа ўрнатилди.

«Восток-5» ва «Восток-6» космик кемаларидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди.

Биргаликда учининг бориши ҳақидаги ахборотлар Совет Иттифоқининг ҳамма радиостанциялари орқали эшиттириб турилади.

КОММУНИЗМГА ПАРВОЗ

Улуғ ва пойни йўқ мамлакатимиз ажойиб қўлларни бошидан кечириляпти. Ҳар бир совет кишининг қалби ҳаёжонга титилмо-ли. Ҳали яқинда ҳалқимизнинг баҳодир ўғли Валерий Биковский космосга парвоз этиб самовий биродарлар сафини кенгайтириб, жаҳон аҳлини яна бир бор қойил қолдирган эди. Бугунги кунда эса ҳалқлар тилида, дилида яна бир ном — Валентина Терешкова. Жаҳон афкор оммаси унга мафтун, жасоратига қойил, шижоатига тасанно ўқимокда. Ахир айтишга оinson — самозда аёл киши! Ҳали яқин йилларда ҳам бунинг хатто тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин эди. Инсоният тарихида биринчи марта аёл киши космосга парвоз этди. Шоян Коммунистик партия, социалистик тузумимиз оддий меҳнаткаш кишиларни шу даражада юксалтирди, буюкликка кўтарди.

Ҳа, давримиз ҳуусияти, жамиятимиз табиати ўзи шундай. Йиллар ўтар, неча-неча авлодлар ўтар, асрлар ўтар, аммо инсоният биз ҳалқимиз жонли тувоҳи бўлаётган бугунги қувончли давларини ҳақиқатда ва ҳақиқат вақт зўр ҳайжон билан эслайди. Космосга парвоз — улуғ Советлар элининг коммунизмга қилаётган парвозининг символдир.

Космосга қилинаётган парвозлар — бугун ҳалқимизнинг ижодий меҳнати маҳсулидир, у мамлакатимиз меҳнаткашларининг бугун Москвада очилган КПСС Марказий Комитети Пленумига муносиб туҳфасидир.

Коммунистик партияимиз идеология масалаларига ҳамиша жуда катта эътибор бериб келди. Чунки КПСС Программисида кўрсатилганидек, коммунизм галабаси учун қурашда идеология иши тобора кучли факторга айланимоқда. Кишиларимиз қанчалик онгли бўлса, тузган планларимиз, белгиллаган режаларимиз шу қадар тезроқ амалга ошади, бинобари улуғ мақсадимиз — коммунизмга шу қадар эртароқ этиб борамиз.

Шоян Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет ҳалқи ўзининг зўр шижоати, баҳодирона меҳнати билан коммунизмни қуради ва унда яшайди.



ВАЛЕНТИНА ВЛАДИМИРОВНА ТЕРЕШКОВА

КРЕМЛЬ—КОСМОС

ЎРТОҚ Н. С. ХРУЩЕВ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ҚИЗ
ВАЛЕНТИНА ВЛАДИМИРОВНА ТЕРЕШКОВА БИЛАН ТЕЛЕФОН
ОРҚАЛИ ГАПЛАШДИ

16 июнь Москва вақти билан соат 16 дан 55 минут ўтганда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрущев жаҳонда биринчи космонавт қиз Валентина Владимировна Терешкова билан Кремлда туриб телефон орқали гаплашди.

Н. С. Хрущев билан бирга Кремлдаги телефон аппарати ёнида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян ва Д. Ф. Устинов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг Бўлим мудир И. Д. Сербин ҳозир бўлдилар.

Езиб олинган ана шу суҳбат тексти қуйида эълон қилинади.

В. В. Терешкова:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига, ўртоқ Никита Сергеевич Хрущевга.

(Давоми иккинчи бетда).



ОФАРИН ШУНҚОР ҚИЗИМИЗ!

КРЕМЛЬ—КОСМОС

(Боши биринчи бетда).

Космосда биргаликда парвоз қилиш ҳақидаги топшириқни адо этишга киришдик. Кемаларимиз ўртасида мустақам радио алоқаси ўрнатилди. Бир-биримиз билан яқин масофада учаямиз. Кемалардаги ҳамма системалар жуда соз ишлаб турибди. Ўзимизни жуда яхши ҳис қилаймиз. Совет космонавти Терешкова, Биковский.

Н. С. Хрущев:

Гагингизни жуда яхши эшитаётман. Сизни «Чайка» деб аташди. Сизни сода қилиб Валя деб аташимга рухсат берсангиз. Валентина, бизнинг қизимиз, Советлар мамлакатининг қизи жаҳонда биринчи бўлиб ва илк марта энг мукамал техникани эгаллаб, космосда парвоз қилаётганлигидан гоёт хурсандман ва оталарча фахрланаман. Бу — Ленин идеяларининг тантанасидир, бу — халқимиз курашининг тантанасидир, бинобари, биз шу муваффақиятлар билан фахрланамиз, Сиз билан фахрланамиз. Халқимизни, Ватанимизни, партиямизни, идеяларимизни шу қадар яхши шарафлаётганлигиниз билан фахрланамиз. Қўлоғим Сизда.

В. В. Терешкова:

Қадри Никита Сергеевич! Илтифотингиз тўқилганлигидан гоёт тасвирланганлиги юборди. Самимий сўзларингиз, оталарча ғамхўрлигингиз учун минг-минг раҳмат.

Яхши истаклар билдирганликлар учун совет кишиларига чин қўнғимдан миннатдорчилик изҳор қиламан. Сизни ишонтириб айтаманки, кадрдон Никита Сергеевич, Ватанинг топширигини адо этиш

учун бутун куч-қувватимни сарфлайман.

Н. С. Хрущев:

Гагингизни эшитаётман. Сизни яна бир карра табриқлайман. Ўртоқларимизнинг табригини топширмоқчиман. Мана шу ерда Брежнев, Микоян, Устинов, Смирнов ўртоқлар ва бошқа ўртоқлар мен билан ёнма-ён ўтиришди. Сиз, Валя, космосда парвоз қилаётганлигиниз учун ҳаммалари жуда хурсанд бўлаётдилар ва фахрланаётдилар, албатта, айниқса хотин-қизларнинг қувончи нига сиймай кетди.

Бугун биз ўйда овқатланган эдик. Дастурхон атрофида хотин-қизлар кўп эди. Уларнинг ёнига, хатто яқин бориб бўлмайди: ҳаммасининг кайфи ниҳоятда чоғ ва гоёт шоду хушман.

Ўртоқ Ворошилов менга телефон қилиб бундай деди: Эсингдами, мен ҳаминга ҳамма қабул маросимларида хотин-қизлар учун қандаш кўтарар эдим. Мана энди хотин-қизларнинг қўлидан нима ишлар келишини кураётганлигидан.

Биз унга; нуқул ўзингиз хотин-қизларнинг тарафдори, бизни эса хотин-қизларга қарши, деб монополияни ўзингиз қилиб олма, дедик, албатта.

Буни гапириб бераётганимнинг бойиси шуки, Москва ва бугун дунё мана шу воқеалар ҳаётида яшайпти.

Биз, албатта ўртоқ Биковский билан фахрланамиз. Биз уни қизғин табриқладик, лекин энди космосда жуфт бўлиб юрибсизлар, дейиш мумкин. Бу эса, ҳамма халқлар учун ҳамма одамларимиз, хусусан хотин-қизлар учун зўр ифтихор ва катта бахт-саодатдир. Чунки бизда эр-какларга нисбатан хотин-қизлар кўпда.

Сизни табриқлайман ва Сизга сўхат-саломатлик тилайман. Белгиланган программа асосида учинчи яхши тугалламоғингизни ва омон-эсон Ерга қўнмоғингизни тилайман! Амин бўла берингиз, Ерга кўниб, Москвага келганингиздан кейин биз Сизни муносиб кутиб оламиз! Дийдор кўришгунча хайр, Сизга ютуқлар, сўхат-саломатлик тилайман!

В. В. Терешкова:

Қадри Никита Сергеевич Хрущев! Ҳамма, ҳамма истакларингиз учун кўпдан-кўп раҳмат. Учун программасини тўла адо этиш, Ватан, партия, ҳукумат топширигини бажариш учун бутун куч-қувватимни сарфлайман.

Жонажон совет дийримизда тезроқ дийдор кўришгунча хайр. (ТАСС).

ЖАҲОНДА БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ҚИЗ

Жаҳонда биринчи космонавт қиз Валентина Владимировна Терешкова 1937 йилда Ярославль областининг Тутаев районидagi Масленниково қишлоғида туғилди. Унинг отаси ўша вақтда колхозда тракторчи бўлиб ишлар, онаси эса тўқимачилик нархонасининг ишчиси эди.

Валля ўзининг меҳнат фаолиятини барварит, ун етти яшарлигида бошлади, У, Ярославдаги ш. на заводига браслетчи бўлиб ишга кирди. Ленин тез орада «Красный Перекоп» техникага мамлаҳари комбинатига илпишувчи бўлиб ишга ўтди, онаси билан она шу комбинатда иш-лашар эди. Иродали, тиришқоқ қиз билан олиш-га ҳаракат қилди, У, иш-лаб чиқаришдан ажрал-маган ҳолда ишчи ёш-лар мактабига, шундан кейин эса сиртки туқи-мачилик техникумида

рашют спорти бўйича биринчи разрядга эга, Космонавтар мактабига ўқиб, младший лейте-нант унвонини олди.

Валентина Терешкова ўз ўртоқлари орасида му-носиб даражада обрў қо-зонди. Валентина ишга бўлган муносабати, бу-тин хулқ-атвори билан яхши намуна кўрсатмоқ-да, У, жамоатчилиги ҳа-тида актив қатнашмоқ-да, бошланғич комсомол ташкилоти бюросининг аъзоси сифатида кўп ишлар қилмоқда.

Унинг онаси, унаси ва онаси Ярославда яша-шади. Онаси Елена Федо-ровна 1956 йилгача «Красный Перекоп» ком-бинатига моталчи бўлиб ишлаган, ҳозир пенсия-да. Унаси Владимир Вла-димирович шофер бўлиб ишлайпти. Онаси Люд-мила Владимировна Пе-теция — «Красный Пе-рекоп» комбинатининг тўқувчиси. Отаси фронт-от билан санради, па-



Валентина Владимировна Терешкова машқ қилмоқда. В. СМЕРНОВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Н. С. Хрущевнинг космонавт В. В. ТЕРЕШКОВАГА радиогаммаси «Восток-6» космик кемасининг борти космонавт ўртоқ В. В. ТЕРЕШКОВАГА

Азиз Валентина Владимировна! Сизни, жаҳонда биринчи космо-навт қизни космик фазоларга амоний парвоз қилганлигиниз билан чин қўнғилдан кутлайман.

Совет халқи Сизнинг жасоратингиз билан фахрланади. Қахра-монона парвозингизни ҳаммамиз жуда катта эътибор билан кузатиб турибмиз ҳамда бардам бўлишингизни, ўзингизни яхши ҳис қи-лишингизни ва парвозни муваффақиятли тугаллашингизни чин қўнғил-дан тилаймиз.

Сафарингиз хайрли бўлсин, Сизни жонажон совет дийримизда зўр шоду хушман билан кутиб оламиз.

1963 йил 16 июнь.

Н. ХРУЩЕВ.

Ўртоқ Н. С. ХРУЩЕВГА жавоб радиогаммаси

Азиз Никита Сергеевич!

Меҳрибонлигингиздан тўқилган-дим ва гоёт таъсирландим, Самимий сўзларингиз, оталарча ғамхўрлиги-гиз учун Сизга кўндан-кўн раҳмат, Ўзини яхши ҳис қилаётган, Сами-кий истаклар билдирганликлар учун совет кишиларига чин қўнғилдан миннатдорчилик изҳор қиламан, Сиз-ни ишонтириб айтаманки, азиз Ни-кита Сергеевич, Ватанинг фахрли топширигини бажарилади.

Космонавт В. ТЕРЕШКОВА, 1963 йил 16 июнь

„Восток-5“ ва „Восток-6“ совет космик кемаларининг борти

Қадри Валентина Владимировна ва Валерий Федорович! Космосда биргаликда парвоз қилишингиз муваффақиятли бош-ланганлиги билан чин қўнғилдан табриқлайман.

Сўхат-саломат бўлишингизни ва ўзингизни яхши ҳис қи-лишингизни, омон-эсон учиб, Ерга муваффақиятли қўнғилдан тилайман.

1963 йил 16 июнь.

Н. ХРУЩЕВ.

Космонавт В. Терешкова маълум қилади

Москва, Кремль.

Совет Иттифоқи Коммуни-стик партиясининг ленинчи Мар-казий Комитетига, Совет ҳуку-матига, азиз Никита Сергеевич Хрущевга маълум қиламанки, парвоз нормал бормоқда, кема-даги системалар жуда соз иш-лаб турибди, ўзини яхши ҳис қилмоқдаман, Кўрсатилган

Космонавт В. ТЕРЕШКОВА, 1963 йил 16 июнь.

ТАСС АХБОРОТИ

Совет йўлдош кемалари Ўзбекистонда парвоз қилишни давом эт-тирмоқдалар. 16 июнь соат 22 га қадар «Восток-5» кемаси Ер ат-рофини 38 марта, «Восток-6» кемаси эса 7 марта айланиб чиқди. 16 июнда «Восток-5» кемаси орбитасининг параметрлари қуйидаги-ча бўлди: минимал баландлиги — 168,4 километр, максимал ба-ландлиги 208,3 километр, айланиб чиқиш даври 88,06 минут.

«Восток-6» кемасининг орбита параметрлари аниқланган маълум-отларга қараганда, қуйидагича бўлди: минимал баландлиги — 181 километр, максимал баландлиги — 231 километр, айланиб чи-қиш даври — 88,3 минут.

Космонавтар Валерий Биковский ва Валентина Терешкова ўз-ларини яхши ҳис қилмоқдалар. «Восток-5» ва «Восток-6» йўлдош кемаларининг ҳамма системалари нормал ишламоқда. «Восток-5» кемаси кабинасидаги ҳарорат цельсий бўйича 16 градус, босим-си-моб устунининг 780 миллиметрга тенг, ҳавонинг нисбий намлиги 60 процент. «Восток-6» кемаси кабинасида ҳарорат цельсий бўйича 20 градус, босим симоб устунининг 754 миллиметрга тенг ва ҳа-вонинг нисбий намлиги 34 процент.

Телевизион сеанслардан бири вақтида Валерий Биковский кре-сдонини боғлаш системасидан чиқиб, кема кабинасининг у ёғиди бу ёғига ҳаракат қилиб юрди. Унинг тушики оват пайти яна бир телевизион сеансга тўғри келди. Телемошобинлар унинг оват еганини ва сув ичкини кузатиб олдилар. Тушқи оват менинга бузоқнинг қовурилган ёғи, оқ ном, твояр, олдғи ширати ва витамини дараже киритилган эди.

Космонавтар Биковский ва Терешкова сутканинг турли вақти-да — соат 15 да ва соат 12 дан 30 минут ўтанда сарт қилган-ликларини муносабати билан уларнинг иш қилибди тартиб ҳам тах-минан икки соат тафовит қилади. Ана шу ахборот қиқарилаётган пайтда Валентина Терешкова кечки оватни тамамлаб, ухлаганга таяйғорлик қўймоқда, ваҳаланки Валерий Биковский кечки оват-ни фақат соат 24 да эди. Эртанги уларнинг ҳар иккаласини янги меҳнат кўни кутади.

Совет космонавтар Валерий Биковский ва Валентина Тереш-ковалар биргаликда парвозининг янги кўни бошланди. 17 июнь Москва вақти билан эрталаб соат 8 га қадар «Восток-5» космик ке-маси Ер атрофини 44 мартадан кўпроқ, «Восток-6» космик кемаси эса 13 мартадан кўпроқ айланиб чиқди.

Валентина Терешкова бугун эрталаб соат 6 дан 10 минут ў-ганда уяғониб, ер билан алоқа боғлади ва яхши ухлаганлигини, ўзини жуда яхши ҳис қилаётганлигини хабар қилди. Уйқу вақтида телеметрик система ердан билан унинг томир уришини тўғривис-контроль қилиб туриш уйқу оёйишга бўлганлигини кўрсатади; то-мир уриш тезлиги минутага 52—54 марта бўлди.

Валерий Биковский эрталаб соат 7 дан 30 минут ўганда кайфи чоғ ва ўзини яхши ҳис қилган ҳолда уяғонди, Унинг томир уриш тезлиги уйқу вақтида минутага 46—50 марта бўлди. Иккала космо-навт ўз иш қиларини жисмоний машқлардан бошладилар ва парвоз программасини бажаришга киришдилар.

Ҳар иккала кемаларда ҳамма системалар нормал ишламоқда, ке-маларнинг кабиналарида олдиндан белгиланган гигиена шароит-лари сақланиб турибди.

Валерий Биковский тўртинчи космик кўни ва Валентина Тереш-кованинг иккинчи космик кўни бошланди.



Валерий Федорович Биковский ва Валентина Владимировна Терешкова Қизил майдонда. С. БАРАНОВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ҲУКУМАТИГА Ўртоқ Никита Сергеевич ХРУЩЕВГА

Космосда биргаликда парвоз қилиш ҳақидаги топшириқни адо этишга киришдик. Кемаларимиз ўртасида мустақам радио алоқаси ўрнатилди. Бир-биримизга яқин масофада парвоз қилаймиз. Кемалардаги ҳамма системалар жуда соз ишлаб турибди. Ўзимизни яхши ҳис қилаймиз.

Совет космонавтар

БИКОВСКИЙ, ТЕРЕШКОВА.

1963 йил 16 июнь.


СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ҲУКУМАТИГА

Ғамхўрлигингиз ва меҳрибонлигингиздан хурсандимиз, пар-воз топширигини бажариш учун бутун куч-қувватимизни сарф-лаймиз.

Шаҳсан Никита Сергеевич Хрущевга чуқур миннатдорчи-лигингизни етказишингизни сўраймиз.

БИКОВСКИЙ, ТЕРЕШКОВА.

1963 йил 16 июнь.



Терешкова Валентина Владимировна Вера ЖИХАРЕНКО фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 18 ИЮНЬ, 1963 ИЛ.

ТОҢГ ЮЛДУЗ

(Космонавт В. Терешковага)

Шарнинг туни жуда ёркин бўлади, Олам сўтдек оппоқ нурга тўлади. Омонини тўлдирар порлаган излар, Бир-бирига меҳмон бўлар юлдузлар. Шундай меҳмон учди бизнинг

куррадан, Совет дийридан, порлаган юлдуз. Она ер меҳридан, қилар туғилди Бўлди у қўнғини чорлаган юлдуз. Кўш даргоҳида кўшга ошди, Жаҳонни ёғдуга тўлдирар олур, Тоғ чоғи порлаган Зухра юлдуздай Осмонда абадий излари қолур. Кутловга сўз етмас, она ер қиз, Кўшми сен кўкда тўнмай чарх урган, Ойимсан, ё туғди сенни фазода Юлдузлар тўпи-ла сен сўхбат қурган. Қадим Шарқ элларин қадим одати: Қиз туғилса исмин қўюлар Юлдуз, Сен шундай элларнинг орауси бугун Олис кўкка элтиб бўлдинг юлдуз.

НАЗАРМАТ.

ЙЎЛИНГА МУНТАЗИР..

Ой йўлигга мунтазир, У мен томон учар деб, Зухра хусини кўкзўлар, Шовд мени кучар деб. Осмонга нур ёйилди Буюн жасоратиндан Хайратда барча юлдуз, Лолдир маҳоратиндан, Фан нудратини космосда Айладин сен намойиш, Инсоният, Уларнингга айтур олиқш.

Ж. АСОМИДДИНОВ.



Валентина Владимировна Терешкова алоқа бўйича ўткази-лаётган машғулотларда. В. СМЕРНОВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).



Валентина Владимировна Терешкова машғулот вақтида, Вера ЖИХАРЕНКО фотоси (ТАСС фотохроникаси).

КОММУНИЗМ ҲОЯСИ — БАЙРОҒИМИЗ!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИГА

КОММУНИЗМ ҲАЛАБАСИ УЧУН КУРАШДА
ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТОБОРА КУЧЛИ ФАКТОРГА
АЙЛАНМОҚДА. ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ОНГ-
ЛИЛИГИ ҚАНЧА ЮҚОРИ БУЛСА, УЛАРНИНГ
КОММУНИЗМ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ
ЯРАТИШДАГИ, КОММУНИСТИК МЕХНАТ ФОР-
МАЛАРИНИ ВА КИШИЛАР УРТАСИДАГИ ЯНГИ
МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАШТИРИШДАГИ
ИЖОДИЙ АКТИВЛИГИ ШУНЧА ТУЛА ВА КЕНГ
РИВОЖЛАНАДИ ВА, БИНОБАРИН КОММУНИЗМ
КУРИЛИШИ ВАЗИФАЛАРИ ШУНЧА ТЕЗ ВА МУ-
ВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

КИШИЛАРГА ҒАМХЎРМИЗ

КПСС XXII съездида қабул қилинган йилги Программанинг таъиноти суратда «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деб эълон қилиди. Демак, мамлакатимизнинг бутун бойлиги меҳнатнашларга хизмат қилиши керак. Бундай бойлик қанчалар кўпайса, турмушимиз шу қадар фаровон ва мазмунли бўлади.

Бирок, Никита Сергеевич Хрушчев айтганидек, бу моддий бойлик осмондан ўз-ўзидан тушмайди. Уни кишиларимиз фидокорона меҳнатлари билан яратадилар. Коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилган ҳозирги пайтда ҳар бир киши жамият учун бор қувватини сафарбар этиб ишлаши керак. Шу сабабли партия ҳозирги замон босқичида идеология ишнинг асосий йўли меҳнатнашларни юксак ғойивийлик ва коммунизм ишига садоқат, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат деб ҳисобламиз. Завод партия ташкилотининг бутун кучи ана шу вазифани ҳал этишга сафарбар қилинган.

Коллективизм каттагина: 3 мингта яқин киши ишлайди. Улар — касби, ёши ва миллати жиҳатидан ҳархил кишилардир. Ҳар бирининг ўз характери бор. Демак, улар ўртасида ғойивий-тарбиявий ишларни олиб боришда индивидуал ёндашш, юракча йўл топа би-лиш зарур.

Бизда таънаффус пайтларида турли темаларда лекция ва доклады ўқиш оdat тусига кириб қолган. Бундай лекция ва докладыни завод бошқармаси ходимлари, цех бошқар-лари, мастер ва илгор ишчилар ўқийдилар. Бундай учрашулар кўпчилик қилгани ва жонли суҳбатга айланиб кетмоқдаки, бу билан биз коллективизм ҳақи-даги асосий турмуш ва эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш имконини таъминлашга эришмоқдамиз.

Завод партия комитети ҳу-зурида деворий газета, оммавий агитация, кўрғазмали агитация, лекторлик бўйича груп-палар ташкил этилган. Бундай группалар цехларда, участка-ларда ва сменаларда мунтазам равишда сийсий-тарбиявий иш-ларни олиб борадилар. Заводи-миз радиоузели ҳар икки кунда бир марта агитаторларимиз их-тиёрга бериб қўйилди. Улар тушун оқват пайтларида, сме-наларо бўш вақтларда турли темаларда лекция ва доклады ўтказадилар. Бундай ра-дио-газетанинг қизиқарли ва мазмунли бўлиши учун ҳара-кат қилмоқдамиз.

Заводимиз асосан улуг Ва-тан уруши йилларида вужудга келган эди. Шундан бери ўтган вақт ичида катта коллектив ўсиб воляга етди. Уларнинг кўп-чилиги оддий ишчида қорхона раҳбари даражасига кўтарилди. Улар орасида завод директори ўринбосари Л. Ромалис, авто-мобиль запас қисмлари цехи бошлиғи Н. Волошин, опера-ция бўлими инженери Б. Чеп-раков, конструктор Г. Бородин ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Ёшларимиз улардан кўп соҳада ўрнак олмақдалар.

Кишиларни меҳнат руҳида тарбиялаш ҳақида гап бора-пти. Шу муносабат билан бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Қўнларнинг бирида лартом хонасига бир йигит кириб кел-ди ва мендан заводга ишга жойлаштириб қўйишимни илти-мос қилди. Мен унга партия комитети ишга қабул қилиш ёки бўшатиш билан шуғуллан-майди, кадрлар бўлимига муро-жаат қилинг, дедим.

— У ерда бўлганман, — де-ди у.

Маълум бўлишича, у яқинда қамқонда чиққан, эндиликда эса ҳеч қерда ишга қабул қи-лилмаётган экан.

— Ҳалол меҳнат билан ўзим-ни оқлайман десам-у, менга ишонмасан, ишга қабул қи-лишмасан...— деди у.

Унинг сўзларига ишониш мумкин эди. Ўз хатосини тўзи-тиш учун астойдил ҳаракат қи-лишган эди.

И. ЛУКЬЯНОВ
«Ташавтомаш» заводи партия
комитетининг секретари


лаётганлигини, кишиларда ўзи-га ишонч уйғотмоқчи бўлаёт-ганлигини сезиш қийин эмас эди. Шунда кадрлар бўлимига кириб, уни ишга жойлаштириш тўғрисида маслаҳатлашдик.

У энг илгор цехларимиздан бирига ишга жойлашди. Унга завод ётоқхонасидан жой бер-дик, касб-ҳунар эгаллашда кўмаклашдик. У 6 ойдан буён заводимизда ишламоқда. Ҳозир ўртоқлари бу йигит ҳақида фа-қат яхши гаплар айтишмоқда.

Бу воқеадан кейин ёш иш-чилар учун махсус қўламама чиқаришга қарор қилдик. Бун-дай қўламама заводимиз тар-ихи ва традициялари, илгор ишчилар ҳақида ҳикоя қилина-ди. Шундай қилиб қорхонами-за янги келган ишчи ўз тақди-рини завод тақдирини, катта кол-лектив тақдирини билан боғлаш-ди. Оқилоқ туғилди.

Заводимизда 100 га яқин мастер бор. Ишчиларни тар-биялашда мастерларнинг роли-ни оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ёш улардан фа-қат ишлаб чиқариш бўлимига шуғулланмай, балки ишчилар-ни коммунизм қўрғувининг ах-лоқ кодекси принциплари ру-ҳида тарбиялашларини талаб қилмоқдамиз.

Кўпчилик мастерларимиз ишчилар орасидан чиққан. Шу сабабли улар ўз ишларини яхши билишди. Ишлаб чи-қаришнинг моҳир ташкилотчиси ва коллектив тарбиячилари-лар Н. Хайридинов, В. Сла-вин, В. Сотников ва бошқа-лар шундай ишбилармон мас-терлардир. Улар бошчилик қи-лаётган участкалар ҳаммаи пешқадамлар қаторида келаёт-ганлиги ҳам бечиз эмас.



Йирик кўр манбаи — Чорвоқ ГЭСи қурилиши кўн сайин мадал-лашмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаган бинокорлар меҳнатда янги-янги ютуқлар-ни кўлга киритмоқдалар. Бунга пармаловчилар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Суратда: смена нормасини мунтазам эъдида билан адо этаётган пармаловчи ўртоқ А. Фогель бўлиб танилган.

О. Левак фотоси.



Сиз суратда кўриб турган бу чапдаст. Йигитлар — П. Циплин (чапдан) Ю. Пинхасов ва Б. Жало-ловлар Чилонзор қурилишига ҳисса қўшаётган пешқадам мастерлардан. Улар бошчилигидаги смена-лар бинокорлари улуг аймаларни ҳар доим муносиб соғалар билан кутиб олишга одатланган. Пар-тияимиз Марказий Комитетининг буғун очиладиган Пленумига ҳам катта тортиқ билан келишди. Ярим йиллик топириқни 115—120 про цент қилиб адо этишлар.

МАШЪАЛЛАР КЕРАК

Асқад МУХТОР

ҚАЛБИМИЗНИНГ ҲАРОРАТИ БИЛАН

Яқинда Октябрь район партия ко-митети «Адабиёт ва санъат меҳнат-нашларини коммунистик руҳда тар-биялашнинг улуг қурилиши» де-ган темада назарий конференция ўт-казди. Конференцияда Октябрь рай-он партия комитетининг секретари Р. Н. Вобочонова сўзга чиқди.

— Халқимиз адабиёт ва санъатни жондидан севди, ардоқлайди. Шу боисдан ҳам халқимизни санъат-нинг асосий зарфиносини деб бечиз атамаганлар, — деди у.

Нотинг Партия ва Хукуматимизнинг беҳисс ғамхўрликларида баҳраманд ижод аҳлининг чинакам ижоди-дий ишта иришиб, замонашларни-мизнинг орау-йиларини, маънавий қиёфаларини қаҳрамонлик ва фидо-корлик ҳислатлари, завоқий меҳ-натларидаги ютуқларини ишчи-ловчи асарлар яратётганликлари-ни қайта қилиди. Шу билан бирга айрим ижодий ташкилотларда йил қўлиб келинётган ижодий ҳато ва камчи-ликлар қаттиқ қораланди. Нотинг ўз фикрига далил сифатида «Ёш гвар-дия», республика бадий адабиёт нашриётларида нашр этилаётган қа-рот бадий ва ғойивий ишчи асарлар билан бирга фикрий саёз, нуқуз ол-ди-қонди гаплардан иборат тусега ва ҳиссиз ишчи ҳалда шеърли тўп-ламлар чиқиб кетаётганлигини, ҳамма номли ва бошқа театр сахналарида пайдо бўлаётган умри нисқа, томо-шбилар қалбига бориб етмайдиган, таъсирсиз айрим асарларни, энгил-тен тушиб қолаётган кинофильмлар-ни мисол қилиб келтирди. Нотинг район ижодий интеллигенцияси ол-дида турган асосий вазифаларга ҳам тўхтаб ўтаркан. Уларни ҳозирги ну-тинг муҳим темаси — ижодий иш-нинг ҳамма соҳасида ҳам: хоҳ ба-дий адабиётда, хоҳ эҳсан, хоҳ саҳ-на асарларида, хоҳ тасвирий санъат-да хоҳ музикада бўлсин коммунизм қўрғувчи замонашларимиз образини яратиш, совет иншисини ҳар томон-лама тарбиялашда ўз ҳиссаларини қўшишга чатайди.

Конференцияда СССР халқ артис-ти, танилти кинорежиссёр К. Ерме-тов ҳам сўзга чиқди. У Москвада бўлиб ўтган Партия ва Хукуматимиз раҳ-барларининг адабиёт-санъат арбоб-лари билан учрашуваридан олган ўз таассуротларини ўртоқлаш-ди ва ижод аҳлининг чинакам тар-биявийлик, ҳақдорлик, ҳаётини ва ўттир принципаллик томонида туриб, асарлар ёншта даъват этди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти бош редактори-нинг ўринбосари Ш. Толибовнинг «Адабиёт ва санъатнинг меҳнатна-шларни тарбиялашдаги роли», театр-шунос Т. Жумаевнинг «Ўзбек музика маданиятини ривожлантиришдаги ай-рим масалалар», Ўзбекистон на-тификация ва кино прокати Бош бошқармасининг бошлиғи Б. А. Кап-ловнинг «Совет иншиси на ёшлар тарбияси» темаларидаги доклад ва лекциялари ҳам тинчланди.

А. ЮСУПОВ.

ФАБРИКА ҚУЧОҒИ — ИЖОД ЎЧОҒИ

Тўғарик ташкил қилиниши ҳақидаги эълонни ўқиган ёшлар хурсанд бўлиб кетишди. Чунки бундай тўғарик ишчи-муҳбир-ларнинг айни муддаоси эди. Ҳаваскорлар ҳар хил темада ҳам қалам тебратиларди-ку, материалнинг пишқи кишичи, нималар-га кўпроқ эътибор бериш кераклигига келганда «Гўр»лик қи-ли қолдиларди. Истақ ва гайрат бор-у, таъриба ва маҳорат етишмасди.

Тезда комсомол комитети биносиде тўғарикка ёзилиш бошланди.

Қорхона партия ташкилоти ишчи бошлаб юбориш учун кат-та ердан берди. Машинолар ўтказиш учун жой ажратилди, тўғарик аъзоларига зарур вақтда ишдан рухсат олиб берилди. Тўғарик раҳбари В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг студенти Пулат Хи-динов шогирдлар билан тезда танишиб олиб, ишчи-муҳбирлар ва уларнинг вазифалари ҳақида сўзлаб берди. Вазифаларта машинолотлар пилани тузиб қилинди.

Ҳозир 30 га яқин ишчи-муҳбир журналистика тўғарикнинг аъзоси. Уларнинг асарияти илгор ишчилар, коммунистик меҳ-нат бригадасининг аъзолари. Ишчи-муҳбирлардан Тоҳиддин Одилов, Эргаш Кенжаев, Гулчехра Бадалова, Муборак Саидо-ва, Замира Жонкулова, Абдор Ақромовлар фабрикада чиқа-диган «Обушчик» кўптиражи газетасида, республика ва об-

ласть газета ва журналларида катта-кичик материаллари бил-ан қатнашиб турибдилар. Қорхонага борганимизда навбатдаги машгулот ўтаётган экан. П. Хидинов ишчи-муҳбирларни газетанинг асосий ва опе-ратив жаириларидан бири — хабар ва унинг турлари билан та-ништираётди. Лекция сўзбатга айланиб кетди. Лектор хабар-нинг аҳамияти, унга қўйилган талаблар ҳақида содда, жон-ли тилда сўзлади.

Кейинги машгулотларда бошқа жаирилар ҳақида маълум-от берилди. Ишчи-муҳбирларимизга газета, журнал, радио, те-левидение редакцияларининг иши билан танишдилар. амалий машгулотларда қатнашдилар — дейди тўғарик раҳбари.

Фабрика партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Аюпов тўғарикнинг ишдан мантун.

Ҳаваскор муҳбирларимиз ўз мақолалари билан қорхо-намиздаги ихшиқлигини ёйишда, камчиликлари бартараф қи-лишда катта ердан бермоқдалар, — деди у.

Пойтахтимизнинг 1-пайофал фабрикасида жамоатчилик асосида ташкил этилган бу тўғарикнинг ишчи бошқа йирик қор-хоналар, ташкилотларда ҳам қўлланишга лойиқдир.

С. МУСАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 18 ИЮНЬ, 1963 ЙИЛ.

